Ацетилсалицил кислотасининг (АСК) антиагрегант таъсири механизми асосида циклооксигеназа (ЦОГ-1) нинг қайтмас ингибиция қилиши ётади, бунинг натижасида тромбоксан А2 синтези блокланади ва тромбоцитлар агрегацияси сўндирилади. Антиагрегант самара тромбоцитларда энг кўп акс этган, чунки улар циклооксигеназани такроран синтез қилишга қодир эмас. АСК тромбоцитлар агрегациясини сўндиришнинг бошқа механизмларига ҳам эга деб ҳисобланади, бу унинг турли қон-томир касалликларида қўлланиш соҳасини кенгайтиради.
АСК яллиғланишга қарши, оғриқ қолдирувчи ва иситма туширувчи таъсир ҳам кўрсатади.
Фармакокинетикаси
Сўрилиши
Ичга қабул қилинганидан сўнг АСК меъда-ичак йўлларидан (МИЙ) тез ва тўлиқ сўрилади. АСК сўрилиш вақтида қисман метаболизмга учрайди. Сўрилиш вақтида ва сўрилганидан сўнг АСК, асосий метаболити – салицил кислотасига айланади.
Таблеткалар кислотага чидамли қобиқ билан қопланганлиги сабабли, АСК меъдада эмас (препаратни қобиғи меъдада эришини самарали блоклайди), балки ўн икки бармоқ ичакнинг ишқорий муҳитида ажралиб чиқади.
Ацетилсалицил кислотасининг қон плазмасидаги максимал концентрациясига (Cmax) таблетка қабул қилинганидан тахминан 2-7 соатдан сўнг эришилади, шундай қилиб, ичакда эрувчан қобиқ билан қопланган таблетка кўринишидаги АСКнинг сўрилиши одатий (ичакда эрувчан қобиқсиз) таблеткалар билан солиштирилганда 3-6 соатга кечиктирилади.
Овқат билан бир вақтда қабул қилинганда, сўрилиш даражасига таъсир кўрсатмаган ҳолда, АСК сўрилишининг секинлашиши кузатилади. Ичакда эрувчан қобиқ билан қопланган АСК таблеткаларининг янада пастроқ сўрилиш тезлиги, препаратни кичик дозалари билан узоқ муддат муолажа олинганда, АСК нинг қон плазмасидаги экспозициясига ва унинг тромбоцитлар агрегациясини ингибиция қилиш қобилиятига таъсир қилмайди. Шундай бўлса ҳам, Ацекард® таблеткаларининг меъдада максимал турғунлигини таъминлаш учун препаратни овқат танаввул қилишдан 30 минут олдин катта миқдордаги суюқлик ичган ҳолда қабул қилиш тавсия қилинади ("Қўллаш усули ва дозалари" бўлимига қаранг).
Тақсимланиши
АСК ва салицил кислотаси плазма оқсиллари билан боғланади (дозасига қараб 66% дан 98% гача) ва организмда тез тақсимланади. Салицил кислотаси йўлдош орқали ва кўкрак сутига ўтади.
Метаболизми
АСКнинг асосий метаболити салицил кислотаси ҳисобланади. Салицил кислотасининг метаболизми жигарда салицирул кислотаси, салицил кислотасининг фенол глюкурониди, салицилглюкуронид ва гентисур кислотаси ҳосил бўлиши билан амалга ошади.
Чиқарилиши
Салицил кислотасини чиқарилиши дозасига боғлиқ, чунки унинг метаболизми ферментатив тизимнинг имкониятлари билан чекланган. Ярим чиқарилиш даври АСК кичик дозаларда қўлланганида 2-3 соатдан, юқори дозаларда (ацетилсалицил кислотасининг оғриқни қолдирувчи восита сифатида қўлланадиган одатдаги дозалари) қўлланганида 15 соатгача вақтни ташкил қилади. Салицил кислотаси ва унинг метаболитлари буйраклар орқали чиқарилади. Буйраклар функцияси нормал бўлган пациентларда препаратнинг бир марталик дозасини 80-100% буйраклар орқали 24-72 соат давомида чиқарилади.
Фармакокинетик маълумотларга кўра, АСК 100 мг дан 500 мг гача бўлган дозада қабул қилинганда, концентрация-доза эгрисида клиник аҳамиятга эга четланишлар бўлмайди.

Қўлланилиши
- Хавф омиллари (масалан, қандли диабет, гиперлипидемия, артериал гипертензия, семириш, чекиш, кекса ёш) мавжуд бўлганда, ўткир миокард инфаркти ва такрорий миокард инфарктининг бирламчи профилактикаси.
- Нотурғун стенокардия (жумладан, ўткир миокард инфаркти ривожланиши гумон қилинганда) ва турғун стенокардия.
- Инсультни олдини олиш (шу жумладан бош мия қон айланишини ўткинчи бузилишлари бўлган пациентларда).
- Қон томирлардаги операциялар ва инвазив аралашувлардан (масалан, аортокоронар шунтлаш, уйқу артерияларни эндартерэктомияси, артериовеноз шунтлаш, тож артерияларни ангиопластикаси ва стентлаш, уйқу артерияларни ангиопластикаси) кейинги тромбоэмболияларни олдини олиш.
- Чуқур веналар тромбози ва ўпка артерияси ва унинг шохларининг тромбоэмболиясини (шу жумладан, катта жарроҳлик аралашувлари натижасида узоқ муддат иммобилизация қилинганида) олдини олишда қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари
Ацекард® препарати таблеткаларини овқатланишдан энг камида 30 минут олдин катта миқдордаги сув билан қабул қилиш мақсадга мувофиқ. АСКнинг ўн икки бармоқ ичакнинг ишқорий муҳитида ажралишини таъминлаш учун таблеткаларни синдириш, майдалаш ёки чайнаш мумкин эмас. Ацекард® таблеткалари суткада 1 мартта ёки кун ора қабул қилинади.
Ацекард® узоқ муддат қўллаш учун мўлжалланган. Даволашнинг давомийлиги шифокор томонидан белгиланади.
Хавф омиллари мавжуд бўлганда ўткир миокард инфарктининг бирламчи профилактикаси: суткада 100 мг ёки 300 мг дан кунора (биринчи таблеткани тезроқ сўрилиши учун чайнаб ичиш лозим).
Такрорий миокард инфаркти профилактикаси, турғун ва нотурғун стенокардия: суткада 100-300 мг.
Нотурғун стенокардия (ўткир миокард инфаркти ривожланишига гумон бўлганда): ўткир миокард инфаркти ривожланишига гумон пайдо бўлганидан сўнг, пациент томонидан 100-300 мг бошланғич доза (янада тезроқ сўрилиши учун таблеткани синдириш, майдалаш ёки чайнаш зарур) имкон қадар тезроқ қабул қилиниши шарт. Миокард инфаркти ривожлангандан сўнг, кейинги 30 кун ичида 200-300 мг/кун доза сақланиб турилиши шарт. 30 кундан сўнг такрорий миокард инфаркти профилактикаси учун мос келувчи муолажа буюрилиши лозим.
Ишемик инсульт ва бош мия қон айланишини ўткинчи бузилишларини олдини олиш: суткада 100-300 мг қабул қилинади.
Томирларда ўтказилган жарроҳлик ёки инвазив аралашувлардан кейинги тромбоэмболияларни олдини олиш: суткада 100-300 мг қабул қилинади.
Чуқур веналар тромбози ва ўпка артерияси ва унинг шохларининг тромбоэмболияларини олдини олиш: суткада 100 мг ёки кунора 300 мг қабул қилинади.
Препаратни биринчи қўллашда ва унинг бекор қилинишидаги таъсири хусусиятлари:
Препаратини биринчи қўллашда ва унинг бекор қилинишидаги таъсири хусусиятлари кузатилмаган.

Ножўя таъсирлари
Ҳар қандай дори препарат каби, Ацекард® ҳам, ҳар бир истеъмолчида кузатилмаса-да, ножўя таъсирлар чақириши мумкин.
Алоҳида ҳолатларда қуйидаги ножўя реакциялар эҳтимоли бор:
- қон ва лимфа тизими томонидан бузилишлар: мувофиқ клиник-лаборатория белгилари ва симптомлари билан кечувчи геморрагик анемия[a], темир-танқисли анемия[a], гемолиз[6], гемолитик анемия[6].
- иммун тизими томонидан бузилишлар: мос келувчи лаборатория ва клиник кўринишлари билан кечувчи юқорисезувчанлик, дориларни ўзлаштираолмаслик, аллергик шиш ва ангионевротик шиш (Квинке шиши), анафилактик реакциялар, анафилактик шок;
- нерв тизими томонидан бузилишлар: геморрагик инсульт ёки бош суяги ички қон кетиши, бош айланиши;
- эшитиш аъзоси томонидан ва лабиринт бузилишлар: қулоқларда шовқин;
- юрак томонидан бузилишлар: кардио-респиратор дистресс-синдроми[6];
- қон-томирлар томонидан бузилишлар: геморрагия, операцион қон кетишлар, гематомалар, мушакларга қон қуйилиши;
- нафас тизими, кўкрак қафаси ва кўкс оралиғи аъзолари томонидан бузилишлар: бурундан қон кетиши, анальгетик астматик синдром (бронхоспазм), ринит, бурун битиши;
- меъда-ичак йўллари томонидан бузилишлар: диспепсия, меъда-ичак йўллари томонидан оғриқ, қорин оғриши, милклар қоналши, меъда-ичак йўллари яллиғланиши, меъда-ичак йўлларидан қон кетиши, меъда ва ўн икки бармоқ ичак шиллиқ қавати яраси, меъда ва ўн икки бармоқ ичак шиллиқ қаватининг перфоратив яралари (мос келувчи клиник симптомлар ва лаборатория кўрсаткичларининг ўзгаришлари билан кечади);
- жигар ва ўт суюқлиги чиқариш йўллари томонидан бузилишлар: жигар функциясининг бузилиши, жигар трансаминазалари фаоллигининг ортиши;
-тери ва тери ости тўқималари томонидан бузилишлар: тери тошмаси, тери қичишиши, эшакеми;
-буйрак ва сийдик чиқариш йўллари томонидан бузилишлар: сийдик-жинсий йўллардан қон кетиши, буйрак функциясининг бузилиши[г], ўткир буйрак етишмовчилиги[г].
Шикастланиш, интоксикациялар ва манипуляциялар асоратлари: "Дозанинг ошириб юборилиши" бўлимига қаранг)
а – қон кетиш билан боғлиқ;
б – глюкоза-6-фосфат дегидрогеназа танқислигининг оғир кўринишлари билан боғлиқ;
в – оғир аллергик реакциялар билан боғлиқ;
г – буйрак функциясини бузилган ёки препарат билан муолажа бошлашдан аввал юрак-қон томир бузилишлари бўлган пациентларда.
НОЖЎЯ ТАЪСИР КУЗАТИЛГАНДА ШИФОКОРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар
Ацекард® қуйидаги ҳолларда:
- ацетилсалицил кислотаси, препарат таркибидаги ёрдамчи моддалар ёки ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ) га юқори сезувчанлик;
- салицилатлар ва бошқа НЯҚВ қабул қилиш орқали индуцирланган бронхиал астма; бронхиал астма, қайталанаётган бурун ва бурун атрофидаги чуқурчалар полипози ҳамда АСКни ўзлаштира олмасликнинг биргаликдаги мажмуаси;
- меъда-ичак йўлларининг эрозив-ярали шикастланиши (зўрайиш босқичида);
- меъда-ичакдан қон кетиши;
- геморрагик диатез;
- ҳафтада 15 мг ва ундан катта дозадаги метотрексат билан мажмуавий қўллаш;
- ҳомиладорлик (I ва III уч ойлик) ва эмизиш даври;
- 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар (самарадорлик ва хавфсизлик бўйича маълумотларнинг йўқлиги сабабли);
- лактозани ўзлаштираолмаслик;
- буйраклар функциясининг оғир бузилиши;
- жигар функциясининг оғир бузилиши;
- NYHA таснифи бўйича III-IV функционал синф сурункали юрак етишмовчилигида қўллаш мумкин эмас.
Қуйидаги ҳолатларда:
Анальгетиклар, яллиғланишга қарши препаратлар, ревматизмга қарши препаратларга юқори сезувчанлик, шунингдек бошқа моддаларга аллергик реакциялар.
Анамнезида меъда-ичак йўлларининг ярали шикастланишлари мавжудлиги, жумладан меъда-ичак йўлларининг сурункали ва қайталанувчи шикастланишлари ёки анамнезида меъда-ичакдан қон кетишлар.
Антикоагулянтлар билан бир вақтда қўллаш ("Дориларнинг ўзаро таъсири" бўлимига қаранг).
Подагра, гиперурикемияда.
Жигар функциясининг бузилишида.
Буйраклар функциясининг бузилишида.
Буйрак артериялари атеросклерози, димланган юрак етишмовчилиги, гиповолемия, кенг қўламдаги жарроҳлик аралашуви, сепсис, массив қон кетиш ҳолатлари оқибатида юзага келувчи қон айланишининг бузилишларида.
Бронхиал астма, нафас аъзоларининг сурункали касалликлари, тошмали иситма, бурун полипози, нафас тизимининг сурункали касалликларида, шунингдек бошқа препаратларга аллергик реакцияларда (масалан, тери реакциялари, қичишиш, эшакеми).
Глюкозо-6-фосфат-дегидрогеназа танқислигининг оғир кўринишларида.
Ҳомиладорликнинг II уч ойлигида.
Мўлжалланган жарроҳлик аралашувида (жумладан, аҳамиятсиз, масалан, тишни суғириш).
Қуйидаги дори воситалари билан мажмуавий қўлланганда ("Дориларнинг ўзаро таъсири" бўлимига қаранг): ҳафтасига 15 мг дан кам дозада метотрексат; антикоагулянтлар, тромболитик ёки бошқа антиагрегант воситалар; НЯҚВ (жумладан ибупрофен, напроксен); дигоксин; ичга ичиш учун гипогликемик воситалар (сульфонилмочевина ҳосилалари) ва инсулин; вальпроат кислотаси; алкогол (хусусан, алкоголь ичимликлар); серотонин қайта қамраб олинишининг селектив ингибиторлари биланэҳтиёткорлик билан қўлланилади.

Дориларнинг ўзаро таъсири
Бир вақтда қўлланганида АСК қуйидаги дори воситаларнинг таъсирини кучайтиради:
- метотрексатнинг буйрак клиренсини камайиши ва уни оқсиллар билан боғидан сиқиб чиқариши ҳисобига, Ацекард® препаратини метотрексат билан биргаликда, агар охиргисининг дозаси ҳафтасига 15 мг дан ортиқ бўлса, қўллаш мумкин эмас ("Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар" бўлимига қаранг) ва метотрексат дозаси ҳафтасига 15 мг дан камроқ бўлганда - эҳтиёткорлик билан қўллаш мумкин.
- гепарин ва билвосита антикоагулянтларни тромбоцитларнинг функциясини бузилиши ва билвосита антикоагулянтларни оқсиллар билан боғидан сиқиб чиқариши ҳисобига;
- антикоагулянтлар, тромболитик ва антиагрегант воситалар билан бир вақтда қўлланганда, қўлланилаётган препаратларнинг асосий терапевтик самаралари синергизми натижасида қон кетиш хавфининг ортиши кузатилади;
- антикоагулянт, тромболитик ёки антиагрегант таъсирга эга бўлган препаратлар билан бир вақтда қўлланганда, меъда-ичак йўллари шиллиқ қаватига шикастловчи таъсирининг кучайиши кузатилади;
- серотонин қайта қамраб олинишининг селектив ингибиторлари билан биргаликда қўллаш, бу меъда-ичак йўлларининг юқори қисмларидан қон кетиши хавфининг ортишига олиб келиши мумкин (АСК билан синергизм);
- дигоксин билан бир вақтда қўлланганда, унинг буйрак орқали чиқарилишининг пасайиши оқибатида, дозасининг ошириб юборилишига олиб келиши мумкин;- гипогликемик воситаларни (инсулин ва сульфонилмочевина ҳосилаларини) АСК ни ўзининг юқори дозалардаги гипогликемик хусусиятлари ва сульфонилмочевина ҳосилаларини оқсиллар билан боғидан сиқиб чиқариши ҳисобига;
- вальпроат кислотаси билан бир вақтда қўлланганда, қон плазмаси оқсиллари билан боғдан сиқиб чиқарилиши ҳисобига, унинг токсиклиги ортади;
- НЯҚВ (таъсир синергизми натижасида ульцероген самара ва меъда-ичак йўлларидан қон кетиш хавфининг ортиши);
- этанол (алкогол ичимликлар) (меъда-ичак йўллари шиллиқ қаватининг шикастланиш хавфининг ортиши ва АСК ва этанол самараларининг ўзаро кучайтирилиши натижасида қон кетиш вақтининг чўзилиши).
АСК ни бир вақтда юқори дозаларда буюриш қуйида келтирилган дори препаратларининг таъсирини сусайтириши мумкин:
- исталган диуретик (АСК юқори дозаларда биргаликда қўлланганда, буйракларда простагландинлар синтезининг камайиши натижасида, калавали фильтрация тезлигининг пасайиши кузатилади);
- ангиотензин айлантирувчи фермент (ААФ) ингибиция қилиш (қон-томирларни кенгайтирувчи таъсирга эга бўлган простагландинларнинг ингибирланиши натижасида калавали фильтрация тезлигининг дозага боғлиқ пасайиши кузатилади, мос равишда гипотензив таъсир кучсизланади);
- уриказурик таъсирга эга препаратлар – бензбромарон (сийдик кислотаси буйрак каналчали чиқарилишининг рақобатли сўндирилиши натижасида уриказурик самарасининг пасайиши);
Ибупрофен ва напроксен билан бир вақтда (бир кунниг ичида) қўлланилганда, АСК нинг таъсири билан боғлиқ бўлган тромбоцитларнинг қайтмас сусайишига нисбатан, антагонизм аниқланади. Ушбу самаранинг клиник аҳамияти номаълум. Юрак-қон томир касалликларининг юқори хавфи бўлган пациентларда, АСК кардиопротектив самараларининг пасайиши эҳтимоли туфайли, АСКни ибупрофен билан мажмуада қўллаш тавсия қилинмайди.
Тизимли глюкокортикостероидлар (ГКС) билан бир вақтда қўлланилганда (истисно тарзда, гидрокортизон ёки Аддисон касаллигининг ўринбосар муолажасида қўлланиладиган бошқа ГКС), салицилатлар элиминациясининг кучайиши ва, ўз навбатида, улар таъсирининг кучсизланиши кузатилади. ГКС ва салицилатлар мажмуавий қўлланганда шуни ёдда сақлаш лозимки, даволаш вақтида салицилатларнинг қондаги миқдори пасайган бўлади, ГКС бекор қилингандан сўнг эса салицилатлар дозаси ошириб юборилиши мумкин.

Махсус кўрсатмалар
Ацекард® препарати қуйидаги ҳолатларда эҳтиёткорлик билан қўлланиши керак:
- анальгетиклар, яллиғланишга қарши препаратлар, ревматизмга қарши препаратларга юқори сезувчанлик, шунингдек бошқа моддаларга аллергик реакциялар;
- анамнезида меъда-ичак йўлларининг ярали шикастланишлари мавжудлиги, жумладан меъда-ичак йўлларининг сурункали ва қайталанувчи шикастланишлари ёки анамнезида меъда-ичакдан қон кетишлар.
- антикоагулянтлар билан бир вақтда қўллаш ("Дориларнинг ўзаро таъсири" бўлимига қаранг).
- буйрак артериялари атеросклерози, димланган юрак етишмовчилиги, гиповолемия, кенг қўламли жарроҳлик аралашуви, сепсис ёки массив қон кетиш ҳолатлари оқибатида буйраклар функциясини ёки қон айланиши бузилганда, чунки санаб ўтилган барча ҳолатларда АСК ўткир буйрак етишмовчилигининг ривожланиши ва буйраклар функциясининг бузилиши хавфини оширади мумкин;
- глюкозо-6-фосфат-дегидрогеназа танқислигининг оғир кўринишларида АСК гемолиз ва гемолитик камқонликни чақириши мумкин. Гемолиз ривожланиши хавфини ошириши мумкин бўлган омиллар бўлиб иситмали титроқ, ўткир инфекциялар ва препаратнинг юқори дозалари ҳисобланади;
- жигар функциясининг бузилиши;
- айрим НЯҚВ (ибупрофен, напроксен) АСКнинг тромбоцитлар агрегациясига ингибиция қилиш таъсирини сусайтириши мумкин. АСК қабул қилаётган ва НЯҚП қабул қилишни режалаштираётган пациентлар бу ҳақда даволовчи шифокор билан маслаҳатлашиши лозим ("Бошқа дори воситалари ва/ёки озуқа маҳсулотлари билан ўзаро таъсири" бўлимига қаранг);
- АСК бронхоспазмни қўзғатиши, шунингдек бронхиал астма хуружлари ва юқори сезувчанликнинг бошқа реакцияларини чақириши мумкин. Хавф омиллари бўлиб анамнезида бронхиал астма, тошмали иситма, бурун полипози, нафас тизимининг сурункали касалликлари, шунингдек бошқа препаратларга аллергик реакциялар (масалан, тери реакциялари, қичишиш, эшакеми)нинг мавжудлиги ҳисобланади;
- АСКнинг тромбоцитлар агрегациясига ингибиция қилиш таъсири, қабул қилинганидан сўнг бир неча кун давомида сақланиб қолади, шу сабабли, жарроҳлик аралашуви жараёнида ёки операциядан кейинги даврда (жумладан кичик жарроҳлик операциялари, масалан, тиш олдириш) қон кетиш хавфи ортиши мумкин;
- АСК кичик дозаларда сийдик кислотасининг чиқарилишини камайтиради, бу подаграга мойил пациентларда ушбу касалликнинг хуруж қилишига олиб келиши мумкин;
- АСК дозасининг ошириб юборилиши меъда-ичакдан қон кетиш хавфи билан ўзаро боғлиқ;
- дозанинг ошириб юборилиши кекса ёшдаги пациентларда айниқса хавфли.
Таблеткаларда лактоза мавжудлиги сабабли, ушбу препаратни галактоземия, глюкоза ёки галактоза сўрилишининг бузилиши ёки лактаза танқислигида (моддалар алмашинувининг кам учрайдиган бузилишда) қўллаш мумкин эмас.
Жигар функцияси бузилган пациентлар
Ацекард® препаратини жигар функциясининг оғир бузилишлари бўлган пациентларда қўллаш мумкин эмас. Ацекард® жигар функцияси бузилиши бўлган пациентларда эҳтиёткорлик билан қўлланиши лозим.
Буйрак функцияси бузилган пациентлар
Ацекард® препаратини буйраклар функциясининг оғир бузилишлари бўлган пациентларда қўллаш мумкин эмас. Ацекард® буйрак функцияси бузилган пациентларда эҳтиёткорлик билан қўлланиши лозим, чунки Ацекард®ни қабул қилиш буйрак етишмовчилиги ва ўткир буйрак етишмовчилигининг ривожланиш хавфини ошириши мумкин.
Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши
Ҳомиладорликда қўлланиши
Простагландинлар синтезини ингибиция қилиш ҳомиладорлик ва эмбрион ёки ҳомиланинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.
Ҳомиладорликнинг эрта муддатларида простагландинлар синтези ингибиторларини қўллаш бўйича эпидемиологик тадқиқотлар препарат дозаси ва даволаш давомийлиги оширилиши билан ҳомиладорликнинг узилиши ва ҳомила ривожланишидаги нуқсонларнинг ривожланиш хавфининг мавжудлиги хавотир чақиради.
Мавжуд маълумотлар ацетилсалицил кислотасини қабул қилиш ва ҳомиладорликнинг узилиш хавфининг ортиши орасидаги боғлиқликни тасдиқламайди. Ацетилсалицил кислотасини қўллаш ва ҳомила ривожланишидаги нуқсонлар орасидаги боғлиқлик бўйича эпидемиологик тадқиқотларнинг бир-бирига зид маълумотлари мавжуд бўлиб, гастрошизис ривожланиши хавфининг юқорилигини истисно қилишга йўл қўймайди.
Ҳомиладорликнинг эрта муддатларида (1-4 ойлик) 14800 аёл иштирокидаги проспектив тадқиқот маълумотларига асосан ацетилсалицил кислотасини қўллашда, ҳомила ривожланишида нуқсонларининг ортиши аниқланганман.
Ҳайвонлардаги тадқиқотлар ацетилсалицил кислотасининг репродуктив токсиклигини намойиш қилган. Ҳомиладорликнинг I уч ойлигида ацетилсалицил кислотасини сақловчи препаратларнии қўллаш мумкин эмас.
Ҳомиладорликнинг II уч ойлигида салицилатларни фақат она ва ҳомила учун хавф ҳамда фойдани жиддий баҳолашни инобатга олган ҳолда буюриш мумкин.
Ҳомиладорликни режалаштираётган ёки ҳомиладорликнинг II уч ойлигида бўлган аёллар ацетилсалицил кислотасининг дозаси ва даволаниш давомийлигини максимал даражада камайтиришлари лозим
Ҳомиладорликнинг III уч ойлигида простагландинлар синтези ингибиторлари туғруқ жараёнининг секинлашишига олиб келувчи бачадон қисқаришларининг сусайиши, қон кетиш вақтининг узайиши ва антиагрегант самаранинг узайишини чақириши мумкин (ҳатто ацетилсалицил кислотаси кичик дозаларда қўлланганда ҳам).
Ҳомилада артериал оқимнинг вақтдан илгари ёпилиши ва ўпка гипертензияси билан кечувчи юрак-ўпка захарланиши, шунингдек ҳатто сувсизлик билан биргаликда кечувчи буйрак етишмовчилигининг ривожланишигача борувчи буйрак функциясининг бузилиши ривожланиши мумкин. Ацетилсалицил кислотасини ҳомиладорликнинг III уч ойлигида қўллаш мумкин эмас.
Эмизиш даврида қўлланиши
Салицилатлар ва уларнинг метаболитлари катта бўлмаган дозаларда кўкрак сутига ўтади. Эмизиш даврида салицилатларни эпизодик қабул қилиш болада ножўя реакцияларнинг ривожланиши билан кечмайди ва эмизиш тўхтатилишини талаб қилмайди.
Лекин препарат узоқ муддат қўлланганда ёки у юқори дозада буюрилганда, эмизишни имкон қадар эртароқ тўхтатиш лозим.
Болалар
Ацекард® препаратини 18 ёшдан кичик болалар ва ўсмирларда қўллаш хавфсизлиги ва самарадорлиги аниқланмаган. Ацекард® препаратини 18 ёшдан кичик пациентларда қўллаш мумкин эмас.
Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири
Ацекард® препаратини қабул қилиш автомобил/ҳаракатдаги механизмларни бошқариш қобилиятига таъсир қилмайди.

Дозани ошириб юборилиши
Салицилатли захарланиш (АСК 100мг/кг/сутка дозада 2 суткадан узоқ вақт давомида қабул қилинганда ривожланади) препаратни терапевтик нотўғри қўллаш доирасида препаратнинг токсик дозаларини узоқ вақт давомида қабул қилиш ёки катталар ёки гўдаклар томонидан препаратнинг токсик дозасини бир маротаба бехосдан ёки атайин қабул қилиш (ўткир захарланиш) натижасида юзага келиши мумкин.
Салицил кислотасининг ҳосилалари билан сурункали захарланиш симптомлари носпецифик ҳисобланади ва кўпинча қийинчилик билан ташҳис қўйилади. Енгил даражадаги захарланиш, одатда, препаратнинг катта дозаларини бир неча марта қўллашдан сўнггина ривожланади ва бош айланиши, вертиго, қулоқларда шовқин, эшитишнинг пасайиши, кўп терлаш, кўнгил айниши ва қусиш, бош оғриши ва онг чалкашиши кўринишларида намоён бўлади. Кўрсатилган симптомлар препарат дозаси камайтирилгандан сўнг йўқолади. Қулоқларда шовқин қон плазмасида АСКнинг 150 дан 300 мкг/мл концентрациясида намоён бўлиши мумкин. Янада оғирроқ симптомлар қон плазмасида АСКнинг 300 мкг/мл дан юқори концентрацияларида намоён бўлади.
Ўткир захарланишнинг асосий кўриниши бўлиб кислота-асос меъёрининг оғир даражада бузилиши ҳисобланиб, унинг кўринишлари пациент ёши ва захарланиш даражасининг оғирлигига боғлиқ ҳолда ўзгариб туриши мумкин. Болаларда метаболик ацидознинг ривожланиши энг одатий кўриниш ҳисобланади. АСКнинг сўрилиш тезлиги меъданинг секин бўшаши, конкрементларнинг пайдо бўлиши ёки меъда-ичак шираси таъсирига чидамли бўлган препаратларни қабул қилиш туфайли пасайиши мумкинлиги сабабли, қон плазмасида фармацевтик концентрациясининг ўзгариши бўйича захарланишнинг оғирлиги ҳақида қарор чиқариш мумкин эмас. Захарланишни даволаш қабул қилинган стандартларга мувофиқ олиб борилади ва захарланиш оғирлиги ҳамда клиник ҳолатга боғлиқ бўлади, шу билан бирга, биринчи навбатда, препаратнинг чиқарилишини тезлаштириш ва сув-электролит баланс ва кислота-асос меъёрини тиклашга қаратилган бўлиши шарт.
Қуйида салицилитлар билан захарланиш ҳолатида симптомлар ва лаборатория маълумотлари ва терапевтик ёрдам чоралари келтирилган.
Дозани енгилдан ўртача оғирлик даражасигача ошириб юбориш симптомлари: бош айланиши, қулоқларда шовқин, эшитишни ёмонлашиши, кўп терлаш (шу жумладан, профуз терлаш), кўнгил айниши, қусиш, бош оғриғи, онгни чалкашиши, тахипноэ, гипервентиляция, респиратор алкалоз.
Даволаш: меъдани ювиш, фаоллаштирилган кўмирни кўп марта қабул қилиш, жадаллаштирилган диурез, сув-электролит мувозанати ва кислота-асос ҳолатини тиклаш.
Дозани ўртачадан оғир даражагача ошириб юбориш симптомлари:
- респиратор алкалоз компенсацияланган метаболик ацидоз билан бирга;
Даволаш: сув-электролит баланс ва кислота-асосли ҳолатни тиклаш.
- гиперпирексия (ҳаддан ташқари юқори тана ҳарорати);
Даволаш: сув-электролит баланс ва кислота-асосли ҳолатни тиклаш.
- нафасни бузилиши: гипервентиляция, ўпкаларни кардиоген бўлмаган шиши, нафасни сусайиши, асфиксия;
- юрак-томир тизими томонидан бузилишлар: юрак ритмини бузилиши, артериал босимни пасайиши, юрак функциясини сусайиши;
- сув-электролит мувозанатини бузилиши: дегидратация, гипокалиемия, гипернатриемия, гипонатриемия билан характерланувчи буйраклар функциясини олигуриядан буйрак етишмовчилигигача бузилиши.
Даволаш: сув-электролит баланс ва кислота-асосли ҳолатни тиклаш.
- глюкоза метаболизмини бузилиши: гипергликемия, гипогликемия (айниқса, болаларда), кетоацидоз;
- қулоқларда шовқин, карлик;
- меъда-ичак қон кетишлари;
- гематологик бузилишлар: тромбоцитлар агрегациясини ингибиция қилинишида коагулопатияларгача, протромбин вақтини узайиши, гипопротромбинемия;
- неврологик бузилишлар: токсик энцефалопатия ва марказий нерв тизимининг функциясини сусайиши (уйқучанлик, онгни чалкашиши, кома, тиришишлар).
Даволаш: дарҳол шошилинч ёрдам кўрсатиш учун махсус бўлимларга госпитализация қилиш – меъдани ювиш, фаоллаштирилган кўмирни кўп марта қабул қилиш, жадаллаштирилган диурез, гемодиализ, сув-электролит мувозанати ва кислота-асос ҳолатини тиклаш, симптоматик даволаш. Ишқорий диурезни ўтказишда pH кийматини 7,5 ва 8 оралиққа етказишга эришиш керак. Жадаллаштирилган ишқорий диурезни плазмада салицилатларнинг концентрацияси катталарда 500 мг/л (3,6 ммоль/л) ва болаларда 300 мг/л (2,2 ммоль/л) ни ташкил қилганда ўтказиш керак.

Чиқарилиш шакли
50 мг, 100 мг ва 300 мг дан ичакда эрувчан қобиқ билан қопланган таблеткалар. 10 та таблеткали
1, 2, 3, 10 та контур уяли ўрамлар тиббиётда қўлланилишига доир йўриқнома билан бирга картон қутига жойлаштирилади.

Сақлаш шароити
Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган ва болалар ололмайдиган жойда, 25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Яроқлилик муддати
3 йил.
Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби
Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи:
«NIKA PHARM» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларини сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили
«NIKA PHARM» МЧЖ,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Сайрам 7 тор кўч. 48-А уй.
Тел: +(99878)1508668; Факс: +(99878)1508448.
www.nikapharm.uz

Дори воситасини сифати тўғрисидаги истеъмолчиларнинг истак ва таклифлари ва препаратнинг таъсир самарасизлиги ёки ҳар қандай ножўя таъсир тўғрисидаги маълумотни қуйидаги манзилга юборишингизни ёки телефон орқали ҳабар беришингизни сўраймиз.

NIKA PHARM
Фармацевтик компания

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Сайрам 7- тор кўчаси, 48-А уй.
+(998 78) 150-86-68
+(998 78) 150-84-48
info@nikapharm.uz
www.nikapharm.uz